

ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА № 151

Наманган шаҳри

2022 йил «25» «июль»

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Д. Матмусаев** бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган «**Namangan ideal dizayn**» масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш юритувчи директор **О.Курбанов** иккинчи томондан, мазкур Янги Наманган туманидаги 26-сонли меҳрибонлик уйини Президент та'лими муассасалари агентлиги тизимида ташкил этилаётган ихтисослаштирилган мактабга реконструкция қилиш объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **Бажарувчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХ ва бирламчи лойиҳа олди ҳужжатлари билан бирга) лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, ушбу ЛСХ бўйича муаллифлик назоратини амалга ошириш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** эса **Бажарувчига** лойиҳа-смета ҳужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ ҚОИДАЛАРИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда **ҚҚС сиз 108 400 000 (Бир юз саккиз миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил этади** ва мазкур шартноманин 2-иловасидаги лойиҳа ишларини бажариш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2 Мазкур шартнома Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳамда Буюртмачининг объект бўйича шахсий ҳисоб варағига тегишли бюджетдан маблағ тушганидан сўнг 10 кун ичида шартнома суммасининг 15% миқдорда аванс тўловини амалга оширади.

2.3 Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш объект бўйича экспертиза хулосаси олиниб ва 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ва бирламчи ҳужжатларни Буюртмачига далоатнома асосида расмийлаштириб тақдим этилгандан сўнг, Буюртмачининг объект бўйича тегишли бюджетдан ажратилгандан маблағлар доирасида 15 кун ичида амалга оширилади. Бунда «Буюртмачи» «Бажарувчи» олдида тўлиқ ёки ўз вақтида молиялаштирилмаган маблағлар учун жавобгар эмас.

2.4 Шартномада кўрсатилган объект бўйича олиб бориладиган муаллифлик назорати ушбу шартнома қиймати доирасида ҳисобланади.

2.5 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **Буюртмачи, Бажарувчи** ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **Бажарувчи** мазкур шартноманин II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун дастлабки маълумотларнинг ҳаққонийлигига жавобгардир;

✓ лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиққандан сўнг лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизаси ва комплекс экспертизадан ўтказишни ўз зиммасига олади;

✓ тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар (шу жумладан ободонлаштириш, сув таъминоти, электр тармоқлари, газ таъминоти ташкилотлари) билан келишиб олиши шарт;

✓ барча ишларини мазкур шартномада ҳамда унинг 1 ва 2 иловасига мувофиқ лойиҳа ишларни бажариш учун шартномада назарда тутилган муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни **Буюртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ экспертизадан ўтган лойиҳа-смета ҳужжатларини 3 кун муддат ичида 3 (уч) нусхада

буюртмачига тақдим этиш;

✓ ишларни бажариш давомида **Буюртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилинч (оператив) сўровларни 3 кун муддатда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета ҳужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи тўлиқ қоплайди ҳамда буюртмачи олдида мулкый жавобгар бўлади;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

✓ Буюртмачи розилигисиз лойиха-смета ҳужжатларини учинчи шахсга бермаслиги шарт.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Буюртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкый жавоб беради.

3.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон фармонида асосан объектни қуришнинг барча босқичларида муаллифлик назорати мажбурийдир ва Лойихачи шартнома қиймати доирасида муаллифлик назоратини олиб бориши шарт;

✓ Бажарувчи лойиха-смета бўйича қурилаётган объектга ҳар ойда 3 маротаба муаллифлик назорати учун бориши шарт.

3.4 Лойихачи лойиха-смета ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

IV. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи**:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини **10 (ўн) кун** муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Бажарувчига** бюджетдан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Ушбу шартнома бўйича лойиха сметалари учун бюджетдан ажратилган маблағлар етарли бўлмаса, ушбу маблағларни тўлаш бўйича буюртмачи жавобгар бўлмайди;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

4.2 Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларини ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисатан кўзғатилган даъво аризаси бўйича ишга қатнашишга Лойихачи жалб қилиниши шарт.

V. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1 Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш лойиха-смета ҳужжатларини бажариш лойиха олди топшириғи талабларига биноан белгиланади.

5.2 Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Лойихачи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

5.3 Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 5.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Лойихачига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликни асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

5.4 Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда икки томонлама далолатнома тузади.

5.5 Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирларини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

5.6 Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертизага лойиха бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома шартларига асосан тўловларни амалга оширилади.

VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.5 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун

хужжатлари нормалари қўлланилади.

9.8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинмишида йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлайди.

9.9 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга қиради.

9.10 Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр гача. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«БУЮРТМАЧИ»

«БАЖАРУВЧИ»

Наманган вилояти ҳокимлиги ягона
буюртмачи инжиниринг компанияси

«NAMANGAN IDEAL DIZAYN» МЧЖ

Манзилгоҳ: Наманганская область г.Наманган
Наманган шаҳар А.Темур куча 105-уй

Телефон: 233-06-11

Шхв: 400121850144017093805075015

Бюджетдан маблағ олувчи СТИР 204 808 298
ОКОНХ: _____

Ғазначилик бўлими номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО: 00014

ИНН 201 122 919

Банк: ХККМ МБ Тошкент шаҳри Бош
бошқармаси

Манзилгоҳ: Наманган шаҳар, А.Темур, 105

Тел/факс: (69) 233-10-70, (90)-596-55-66

Х/р: 2020 8000 9005 8016 1001

Банк: АТБ Кишлоққурилишбанк

Наманган филиали

МФО: 00 229

ИНН: 303 768 426

ОКЭД: 71 110

Директор

Д.Матмусаев



Директор



О Курбанов

Хуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида хуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания хуқуқий маслаҳатчиси

К.Тулашев

« _____ »

2022 йил

«25» июль 2022 йил
151-сонли шартномага

Ишларни амалга ошириш баҳосини аниқлаш

С М Е Т А С И

Янги Наманган туманидаги 26-сонли меҳрибонлик уйини Президент та'лими муассасалари агентлиги тизимида ташкил этилаётган ихтисослаштирилган мактабга реконструкция қилиш объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш.

Буюртмачининг номи: Наманган вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи инжиниринг компанияси

Лойиҳа ташкилотининг номи: «NAMANGAN IDEAL DIZAYN» МЧЖ

т/р	Ишларнинг номи	Лойиҳалаш ва кидирув учун нархлар тупламнинг қисмлар, боблар, жадваллар ва бандлари	Баҳосини ҳисоблаш	Баҳоси сўм
1	2	3	4	5
1	Янги Наманган туманидаги 26-сонли меҳрибонлик уйини Президент та'лими муассасалари агентлиги тизимида ташкил этилаётган ихтисослаштирилган мактабга реконструкция қилиш объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш харажати Курилиш қиймати 5 000 000 000 сўм	Лойиҳа-тадқиқот ишларини қийматини аниқлаш тартиби тўғридаги Низомнинг 1 илова 44,5 т.р, 4 илова 9 т.р.	5 000 000 000 x 0,022	108 400 000
Жами:				108 400 000

Смета бўйича жами ККС сиз: 108 400 000 (Бир юз саккиз миллион тўрт юз минг) сўм.

Директор



О Курбанов

МУХОКАМА АХБОРОТИ

«25» июль 2022 йил

Наманган ш.

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи.Инжиниринг компанияси ташкилоти томонидан 2022 йил 13 июль № 22110012118892 -сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил апрелдаги № 684-сонли “Давлат харидлари “ тўғрисидаги қонунни 56 ва 58 моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Янги Наманган туманидаги 26-сон Мехрибонлик уйини -ихтисослаштирилган мактабга мослаштириш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур савдо якуни бўйича NAMANGAN IDEAL DIZAYN MSNJ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 62 моддасига асосан Давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда Давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.Шунга асосан икки иш куни ичида танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, буюртмачи ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Компания директори



Д.Матмусаев

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 118892 на приобретение Янги Наманган туманидаги 26-сон Мехрибонлик уйини -ихтисослаштирилган мактабга мослаштириш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш

Способ проведения электронный

Дата 20.07.2022

Время рассмотрения 19.07.2022 11:50

Конкурсная комиссия Вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи инженеринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари	Наманган вилоят ЯБИК
Секретарь комиссии	ТО‘ХТАБАЙЕВ AKRAMJON BOQIYEVICH	Бош мутахассис	Наманган вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси
Член комиссии	SAYDAXMEDOV ISLOMXON ABDUMAXMUDXON O‘G‘LI	"Лойиха ва пудрат ташкilotлари фаолятини мувофиқлаштириш бўлими" бошлиғи	Вилоят қурилиш бош бошқармаси
Член комиссии	DEDAHANOV FARXOD BAXODIROVICH	Бош мутахассиси	Наманган вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
Член комиссии	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Етакчи мутахассиси	"SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI" ДУК Наманган вилоят филиали
Член комиссии	BEGMURODOV SARDOR BEGMUROD O‘G‘LI	"Архитектура лойихалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими" бошлиғи	Вилоят Қурилиш Сохасида худудий инспекцияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.07.2022 года № лота 118892.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Янги Наманган туманидаги 26-сон Мехрибонлик уйини - ихтисослаштирилган мактабга мослаштириш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш (бирламчи лойиха олди хужжатлари билан)
Количество товара	1.00
Единица измерения	

Цена товара (услуги) за единицу	124 957 000.00
Стартовая сумма	124 957 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлаш иштирокчисининг охирги уч йилда (2019-2020-2021) лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMANGAN IDEAL DIZAYN MCHJ	20	20	17	Экспертная		
"TECHNO ENGINEERING EXPERT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	20	20	18	Экспертная		
ORDER MAX PROJECT MCHJ	20	20	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Шакллар талаб даражасида тақдим этилмаганлиги учун баҳоланмади

Критерий №2 Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиҳа ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMANGAN IDEAL DIZAYN MCHJ	5	5	5	Экспертная		
"TECHNO ENGINEERING EXPERT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	5	5	5	Экспертная		
ORDER MAX PROJECT MCHJ	5	5	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Шакллар талаб даражасида тақдим этилмаганлиги учун баҳоланмади

Критерий №3 Лойихалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMANGAN IDEAL DIZAYN MCHJ	5	5	5	Экспертная		
"TECHNO ENGINEERING EXPERT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	5	5	2	Экспертная		
ORDER MAX PROJECT MCHJ	5	5	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Шакллар талаб даражасида тақдим этилмаганлиги учун баҳоланмади

Критерий №4 Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салоҳияти (2019-2020-2021 йиллар бўйича) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMANGAN IDEAL DIZAYN MCHJ	20	20	18	Экспертная		
"TECHNO ENGINEERING EXPERT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	20	20	20	Экспертная		
ORDER MAX PROJECT MCHJ	20	20	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Шакллар талаб даражасида тақдим этилмаганлиги учун баҳоланмади

Критерий №5 Лойиҳачи ташкилотнинг ташкилий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMANGAN IDEAL DIZAYN MCHJ	5	5	2	Экспертная		
"TECHNO ENGINEERING EXPERT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	5	5	5	Экспертная		
ORDER MAX PROJECT MCHJ	5	5	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Шакллар талаб даражасида тақдим этилмаганлиги учун баҳоланмади

Критерий №6 Лойихачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMANGAN IDEAL DIZAYN MCHJ	20	20	12	Экспертная		
"TECHNO ENGINEERING EXPERT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	20	20	15	Экспертная		
ORDER MAX PROJECT MCHJ	20	20	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Шакллар талаб даражасида тақдим этилмаганлиги учун баҳоланмади

Критерий №7 Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойихалаш дастурлари) ва бошқалар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMANGAN IDEAL DIZAYN MCHJ	20	20	16	Экспертная		
"TECHNO ENGINEERING EXPERT" mas'uliyati cheklangan jamiyati	20	20	18	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ORDER MAX PROJECT MCHJ	20	20	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Шакллар талаб даражасида такдим этилмаганлиги учун бахоланмади

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
NAMANGAN IDEAL DIZAYN MCHJ	124 957 000.00	108 400 000.00 UZS	108 400 000.00	00.00	108 400 000.00	18.07.2022 14:15:39	100.00
"TECHNO ENGINEERING EXPERT" mas`uliyati cheklangan jamiyati	124 957 000.00	124 957 000.00 UZS	124 957 000.00	00.00	124 957 000.00	18.07.2022 14:21:21	86.75

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ORDER MAX PROJECT MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
NAMANGAN IDEAL DIZAYN MCHJ	Прошел	100	100
"TECHNO ENGINEERING EXPERT" mas`uliyati cheklangan jamiyati	Прошел	86.75	86.75

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 118892 от 20.07.2022 года на приобретение Янги Наманган туманидаги 26-сон Мехрибонлик уйини -ихтисослаштирилган мактабга мослаштириш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш определила победителем:

NAMANGAN IDEAL DIZAYN MCHJ
303768426

и резервный исполнитель: "TECHNO ENGINEERING EXPERT" mas`uliyati cheklangan jamiyati (205370694)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
Член комиссии	BEGMURODOV SARDOR BEGMUROD O`G`LI	Согласен	
Член комиссии	SAYDAXMEDOV ISLOMxon ABDUMAXMUDxon O`G`LI	Согласен	
Член комиссии	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	Лойиҳа хужвати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қуёрилмалар лимити				2022 йилда фойдаланишга топширилдиғи		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспертиза ҳулосаси рақами ва санаси	Тендер (танлов)лар натижасига бўйича баённома рақами ва санаси	Ташкилот номи	
								Жами капитал қуёрилмалар	Қурилиш - монтаж ишлари	шу жумладан		Қувват/суудат	Асосий фонд сўммаси						
										Жами	Буюртмачи бошқа харажатлари								Жами
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
10	Мингбулок туман 13-сон айрим фанларга ихтисослашган мактаб-интернат	2022й	920 уриш	*	*	*	*	329,237			329,237								Тендер
11	Косонсой туман 52-сон айрим фанларга ихтисослашган мактаб-интернат	2022й	720 уриш	*	*	*	*	293,497			293,497								Тендер
<i>Президенти таълим муассасалари агентлиги нигизида ихтисослашган мактаб-интернатлар 3-қили</i>																			
1	Янги Наманган туманидаги 26-сонли меҳрибонлик уйи	2022й	160 уриш	*	*	*	*	137,457			137,457								Тендер

Изоҳ: *) Объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, Экспертиза ва НАПУ ҳулосаси олингандан сўнг объектлари қийматига аниқлик киритилади.

Вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи ижиниринг компанияси директори



(Handwritten signature in blue ink)

Д.Матмусаев



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 21 » aprel

№ 206

Toshkent sh.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва давлат инвестицияларини бошқариш tizimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармонининг ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишнинг шаффофлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Халқаро валюта жамғармасининг Бюджет масалалари бўйича департаменти томонидан “Ўзбекистон Республикасининг давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолаш тўғрисида” (PIMA) ҳисоботи тайёрланганлиги ва ҳисоботда республикамизда давлат инвестицияларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

инфратузилма лойиҳаларини шакллантиришга қаратилган тизимни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат орқали тартибга солиш;

инфратузилма ва ижтимоий соҳа лойиҳаларини танлаб олишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш;

давлат ресурсларидан молиялаштириш учун кўриб чиқиладиган лойиҳалар портфелини шакллантириб бориш;

давлат хусусий-шериклик механизмларини давлат бюджети ва инвестицияларини бошқариш тизимлари билан интеграциялаш;

Қурилиш вазирлигининг қурилиш-монтаж ишларини бажаришга (қурилишнинг бутун даври учун берилган) рухсати нусхаси;

давлат экология экспертизаси хулосасининг нусхаси (зарур бўлганда);

агар қонунчилик ҳужжатларида товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат хариди тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширилган бўлса, шартнома ва шартнома бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг тегишли хулосаси (қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно).

41. Буюртмачи ва пудрат ташкилоти ўртасида объектни қуриш, реконструкция қилиш ёки мукамал таъмирлаш юзасидан тузилган шартномада ва унга илова қилинадиган маблағ билан таъминлаш жадвалида куйидагилар ҳисобга олиниши зарур:

а) қурилиши тайёр ҳолда фойдаланишга топшириш шартлари асосида қуриладиган объектлар бўйича:

қурилишнинг дастлабки икки ойи мобайнида аванс тўловлари қурилишнинг прогноз қилинаётган йили учун танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизигача миқдорда ажратилади;

ажратилган аванснинг молия йили мобайнида мутаносиб равишда ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи миқдорида ҳар ойда жорий молиялаштирилади;

белгиланган тартибда тузилган шартномаларда назарда тутилган кафолатли муддат ўтгандан кейин амалга ошириладиган объект қийматининг 5 фоизи тўланади;

б) объектларни жиҳозлаш (технологик ускуналар бундан мустасно) бўйича:

жиҳозлаш ишларининг дастлабки ойи мобайнида аванс тўловлари жиҳозлаш ишларининг тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича белгиланган ишлар қийматининг 15 фоизи миқдорида ажратилади;

аванснинг мутаносиб равишда ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, етказиб берилган жиҳозларнинг 100 фоизи миқдорида жорий молиялаштирилади;

в) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича:

лойиҳа ишларининг дастлабки ойи мобайнида аванс тўловлари лойиҳа ишларининг тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича белгиланган ишлар қийматининг 15 фоизи миқдорида ажратилади;

қолган маблағлар, шартномаларда кўрсатилган шартларда бажарилган ишлар қийматидан келиб чиқиб, ажратилган авансни ушлаб қолган ҳолда жорий молиялаштирилиши назарда тутилади.

41. Танлов натижалари бўйича шартномада белгиланган нархга нисбатан сифати ва ҳажмига таъсир қилмаган ҳолда тежалган маблағлар пудрат ташкилоти тасарруфида қолдирилади.

42. Объектларини молиялаштириш қатъий равишда бюджет тизими бюджетларидан ҳар бир объект учун ажратилган капитал қўйилмаларнинг лимитлари доирасида амалга оширилади ҳамда маблағларни қурилишларнинг ва лойиҳа-қидирув ишларининг манзилли рўйхатларида назарда тутилмаган бошқа мақсадлар учун сарфлаш тақиқланади.

43. Жорий молиялаштириш буюртмачилар томонидан тасдиқланган ҳисобварақ-фактуралар ва тўлов топшириқномаларига асосан улар ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилгандан сўнг уч иш кун ичида, бироқ қонунчилик ҳужжатларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар биринчи навбатда молиялаштирилишини инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

44. Буюртмачининг сақлаш билан боғлиқ харажатлари объектнинг қурилиш қийматига киритилади ва Молия вазирлигининг ахборот тизимида ҳар бир объект бўйича алоҳида очилган шахсий ғазна ҳисобварағи орқали бюджет таснифининг алоҳида харажатлар моддасида битта сатрда назарда тутилади.

45. Буюртмачиларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар сметаси ва штатлар жадвали белгиланган тартибда молия органларида рўйхатга олинади.

46. Бюджет тизими бюджетларининг капитал қўйилмалари ҳисобидан объектларни молиялаштириш мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

47. Буюртмачилар томонидан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар учун даврий молиявий ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш тўғрисидаги тартибига мувофиқ ҳисоботлар тақдим этилади.

Бунда бюджет тизими бюджетлари бўйича буюртмачилар томонидан тегишли ҳисоботлар тақдим этилмаганда, буюртмачи раҳбариятини ёзма хабардор қилган ҳолда молия органлари тегишли ҳисоботлар талаб даражасида тақдим этилгунга қадар бюджет маблағлари ҳисобидан харажатларни молиялаштиришни (тўлашни) чеклаб қўйишга ҳақли.

7-боб. Яқунловчи қоида

48. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.